



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ АҲАМИЯТИ

DSc Абдиева Наргиза Шухратовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0001-9301-6156

Аннотация. Мақолада акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув тизимида ички аудитнинг аҳамияти ёритилган. Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш ҳамда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар илмий ўрганилган. "Корпоратив бошқарув" тушунчасининг илмий талқини ҳамда самарали корпоратив бошқарув тузилмаси келтирилган.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, акциядорлик жамияти, риск менежмент, ички назорат, ички аудит, Кузатув Кенгаши, Аудит қўмитаси, манфаатдор томонлар, ахборот хавфсизлиги, бизнес-жараёнлар.

ЗНАЧИМОСТЬ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В СИСТЕМЕ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

DSc Абдиева Наргиза Шухратовна

Ташкентский государственный

экономический университет

Аннотация. В статье освещается важность внутреннего аудита в корпоративном управлении акционерных обществ. Научно изучены меры, принимаемые в Республике Узбекистан для радикального повышения эффективности деятельности акционерных обществ и внедрения современных методов корпоративного управления. Представлена научная интерпретация понятия "корпоративное управление", а также эффективная структура корпоративного управления.

Ключевые слова: корпоративное управление, Акционерное общество, управление рисками, внутренний контроль, внутренний аудит, Наблюдательный совет, Комитет по аудиту, заинтересованные стороны, информационная безопасность, бизнес-процессы

THE IMPORTANCE OF INTERNAL AUDIT IN THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM OF JOINT-STOCK COMPANIES

DSc Abdieva Nargiza Shukhratovna

Tashkent State University of Economics

Annotation. The article highlights the importance of internal audit in the corporate governance of joint-stock companies. The measures taken in the Republic of Uzbekistan to radically improve the efficiency of joint-stock companies and the introduction of modern corporate governance methods have been scientifically studied. A scientific interpretation of the concept of "corporate governance" is presented, as well as an effective corporate governance structure.

Keywords: corporate governance, Joint Stock Company, risk management, internal control, internal audit, Supervisory Board, Audit Committee, stakeholders, information security, business processes.

Кириш.

Халқаро амалиёт акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг энг самарали омилларидан бири сифатида корпоратив бошқарув механизмининг амалий фаолиятини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш эканлигини исботлади. Иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган, турли хил иқтисодий муносабатларни бирлаштирувчи механизм сифатида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш модернизациялашган иқтисодиётнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг ривожланиши кузатилаётган шароитда Ўзбекистонда самарали корпоратив бошқарувга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ушбу эҳтиёжнинг юзага келишига хусусийлаштириш натижасида акциядорлар, мулк эгалари, менежерлар мақсад ва манфаатларининг бир-биридан фарқ қилиши сабаб бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди. Корпоратив бошқарувнинг аҳамияти унинг акциядорлик жамиятларининг самарали ишлашини таъминлаш, акциядорлар ва бошқа шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бизнеснинг барқарор ривожланиш учун шароит яратиш қобилияти билан изоҳланади.

Адабиётлар шарҳи.

Мазкур масалада иқтисодчи олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Джонсон (2010) давлат улуши бўлган корпорацияларнинг асосий функцияси сифатида “корпоратив механизмлар орқали миллий иқтисодий ва жамоат ривожланишининг стратегик устуворликларини амалга оширишни белгилайди”. Ушбу илмий қарашни қўллаб қувватлаган ҳолда рус иқтисодчи олими Якимов (2014) давлат улуши бўлган корпорацияларнинг иқтисодиётда тутган ўрнини қуйидагича изоҳлайди: “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари давлат назорати ва иқтисодиётнинг турли соҳалари стратегик ривожининг устуворликларини таъминлаш функцияларини корпоратив механизмлар орқали бажаради, давлат бюджети маълум бир қисмининг дивиденд шаклидаги даромад орқали шаклланишига ёрдам беради”.

Соколов (2011) “корпорациялар давлатнинг миллий даражадаги стратегик функцияларини бажаришда муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтган”.

Бошқа иқтисодчи олимнинг таъкидлашича, “Иқтисодий нуқтаи назаридан акциядорлик жамияти – бу доимий ўсишга йўналтирилган капиталга бўлган эҳтиёжни қондириш механизми бўлиб, у капитал концентрацияси ва ундан фойдаланиш функциясини яхши бажарувчи самарали механизм бўлса, бошқарув, назорат ва бизнесни ташкил қилиш шакли нуқтаи назаридан энг мураккабдир” (Шибоев, 2011).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корпоратив бошқарувга корпоратив муносабатлар иштирокчилари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимловчи йирик компаниялар бошқаруви ва назорати тизими сифатида изоҳ берсак, уни самарали ташкил қилиш компания ва корпорацияларнинг иқтисодий жиҳатдан такомиллашувига, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсир этади. Корпоратив бошқарувнинг самарали ташкил этилишида эса ички аудитнинг аҳамияти беқиёсдир.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар фикрича, “Ички аудит акциядорлик жамияти корпоратив бошқарувининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият самарадорлигини, шунингдек қонунларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолиятни мустақил ва объектив баҳолаш тизими бўлиб ҳисобланади” (Костикова, Цангль, 2014).

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ички аудит бошқарув органларига акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ холисона маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида асосланган қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Шунингдек, у акциядорлик жамиятининг молиявий

барқарорлиги ва обрўсига таъсир қилиши мумкин бўлган потенциал риск ва муаммоларни аниқлашга ёрдам беради.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилнинг охирида акциядорлик жамиятлари сони 600 тага етиб, улардан 234 таси давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларидир” (Нуралиев, 2023).

Мамлакатимизда охириги йилларда корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга катта урғу берилган бўлиб, иқтисодиётга “тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони қабул қилинди” (Фармон, 2015). Ушбу фармон корпоратив бошқарувни ташкил этиш, қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга асос бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, “иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш белгиланган” (Фармон, 2017).

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳам корпоратив бошқарувни такомиллаштириш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш мақсадида иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцияларни жараёнларни рақамлаштириш вазифасини амалга ошириш механизмларидан бири қилиб молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимлари белгиланган” (Фармон, 2022).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-370-сон “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 223-1-сонли Қонунига ўзгартиришлар киритилиб, бунинг натижасида “камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар корпоратив бошқарувда ўз овозига эга бўлиши, яъни Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссияси сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳуқуқи белгиланди. Шунингдек, жамият Кузатув Кенгаши мустақил аъзосига бўлган талаблар аниқлаштирилди. Бунинг натижасида, манфаатдор шахсларнинг Кузатув Кенгаши мустақил аъзоси сифатида сайлана олмаслиги йўлга қўйилди” (Қонун, 2023).

Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқаруви тизимида ички аудитнинг аҳамиятига баҳо бериш корпоратив бошқарув тушунчасини ўрганишни талаб этади.

Корпоратив бошқарув бўйича кўпгина иқтисодчи олимлар илмий изланишлар олиб борган бўлиб, маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Каримов (2009), Суюнов (2006), Зайнутдинов (2007), хорижий иқтисодчи олимлардан Хавкин (2012), Гуляев (2008), Иванова (2012), John Mints (2012), Robert Monks, Nell Minow (2011), Kevin Keasey,

Steve Thompson, Mike Wright (2005) va бошқа бир қатор иқтисодчи олимларнинг бу борада илмий изланишлари ўрганилган.

“Корпоратив бошқарув” атамасига берилган таърифлар қиёсий таҳлилини кейинги жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал

“Корпоратив бошқарув” атамаси илмий талқини⁹⁶

№	Муаллифлар	Корпоратив бошқарув тушунчаси
1.	Каримов А.А. (2009)	“Корпоратив бошқарув - бу шундай тизимки, у орқали хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилиш, ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий ресурсларини бошқариш, мулкдорлар ҳамда инвесторлар сармояларини бошқаришнинг самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаш, манфаатдор томонларнинг қизиқишларини аниқлаш, бир-бирига мослаштириш, олинadиган даромадларни уларнинг ҳиссасига монанд тақсимлаш учун мўлжалланган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар амалга оширилади”.
2.	Суюнов Д.Х. (2006)	“Корпоратив бошқарув - корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир”.
3.	Зайнутдинов Ш. Рахимова Д. (2007)	“Корпоратив бошқарув - манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир”.
4.	Муминова Э.А. (**)	“Корпоратив бошқарув- корхона томонидан танланган мулкдорлар, Кузатув кенгаши ва менежменти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик усули бўлиб, корхона фаолияти натижаларининг акциядорлар, шунингдек, бошқа молиявий манфаатдор шахслар ўртасида адолатли тарзда тақсимланишини таъминлайдиган тизимдир”.
5.	Хавкин Е.Л. (2012)	“Корпоратив бошқарув - бу акциядорлар, бошқарув, юқори ижроия органи, аудиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги тижорат ёки нотижорат манфаатлар олишга қаратилган муносабатлар мажмуи бўлиб, бу орқали жамият ва шахсий манфаатлар, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар уйғунлаштирилади”.
6.	Гуляев К.А. (2008)	“Корпоратив бошқарув - бу компаниянинг самарали фаолиятини таъминлаш учун унинг барча иштирокчилари манфаатларини мувофиқлаштиришга қаратилган ички ва ташқи механизмлар тизимидир”.
7.	Иванова Е.А. (2012)	“Корпоратив бошқарув - корпоратив бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизими, корпорацияда тўпланган ресурсларни фойдали тарзда қайта тақсимлашни таъминлаш учун қабул қилинган мақсадларга мувофиқ компания қийматини ва унинг барқарор ривожланишини бошқаришдир”.
8.	John R. Mints (2012)	“Корпоратив бошқарув - бу компанияни акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар манфаати учун бошқарувчи ва назорат қилувчи тизимдир”.
9.	Robert A.G. Monks, Nell Minow (2011)	“Корпоратив бошқарув - бу компания раҳбарияти, унинг директорлар кенгаши, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги компания мақсадлари ва уларга эришиш йўллари белгилувчи, унинг муваффақиятини назорат қилувчи ва баҳоловчи муносабатлар йиғиндисидир”.
10.	Kevin Keasey, Steve Thompson, Mike Wright (2005)	“Корпоратив бошқарув - акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, компаниянинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида компаниялар ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи тизим. Бу компания раҳбарияти томонидан риоя қилиниши керак бўлган қоидалар ва тартибларни, ташкилий тузилмани, назорат ва жавобгарлик механизмларини, шунингдек, ахлоқий тамойилларни белгилашни ўз ичига олади”.

⁹⁶ Иқтисодчи олимларнинг қарашлари муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, корпоратив бошқарув йирик корпорацияларни тўғри ва самарали бошқариш тизими бўлиб, бунда ички аудит манфаатлар мувозанатини сақлашга, унинг рискларини камайтиришга, ички назорат самарадорлигини, бозор қийматини оширишга, акциядорлар, Кузатув Кенгаши мақсадларига эришишга ёрдам берувчи инструмент сифатида намоён бўлади.



1-расм. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудитнинг баҳоловчи ва такомиллаштирувчи тизимлари⁹⁷

Ушбу расмдан кўришимиз мумкинки, акциядорлик жамиятининг корпоратив бошқарув тизимида ички аудитнинг аҳамияти шундан иборатки, у бошқарувни мониторинг қилишнинг зарур воситаси бўлиб, бизнес жараёнлар билан боғлиқ рискларни тўғри баҳолашни, АЖни бошқаришда тўғри қарорларни қабул қилишни, молиявий ва бошқарув ҳисобини тўғри юритилишини, фаолиятнинг норматив ҳужжатларга мувофиқ юритилиши, ахборот хавфсизлигини таъминлайди. Бу, шунингдек, инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг ишончини оширишга ёрдам беради.

⁹⁷ Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хориж олими Дж.Джонсон “молиявий назоратни яхшилаш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва бартараф этиш, харажатларни камайтириш ва таваккалчиликни бошқариш жараёнларини яхшилашга олиб келган ички аудиторнинг корпоратив бошқарув тизимига муваффақиятли жорий этилгани мисолида изланиш олиб борган бўлиб, тадқиқот натижалари корпоратив бошқарувда ички аудит ролининг муҳимлигини таъкидлайди. У олиб борган илмий тадқиқот натижасида ички аудитнинг тўғри амалга оширилиши бизнес самарадорлигининг сезиларли даражада яхшилашини исботлаган. Бунда муаллиф ички аудитнинг мустақиллиги ва барча керакли маълумотларга эга бўлиши унинг самарадорлигига таъсир қилишини изоҳлаган.

Муаллиф ички аудит фаолиятини такомиллаштириш бўйича унинг ваколатларини ошириш, ҳисобот бериш тизимини ва компания раҳбарияти билан алоқани такомиллаштириш, ички аудиторларни тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш каби бир қанча тавсиялар берган” (Jonson, 2010).

Хансен, Нилсен (2012) “корпоратив бошқарувда ички аудитнинг ролига бағишланган 100 дан ортиқ илмий мақолани таҳлил қилиб, муаллифлар ички аудит компанияни самарали бошқаришга ва корпоратив ахлоқ қоидаларига риоя қилишга қандай ҳисса қўшиши мумкинлигини ўрганган, улар ички аудит фирибгарликни олдини олиш, рискларни камайтириш ва бизнес жараёнлар самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган муҳим корпоратив бошқарув воситаси”, деган хулосага келишди.

Тадқиқотчилар, шунингдек, ички аудит компания ичидаги бошқа функциялардан мустақил бўлиши ва ўз вазифаларини бажариш учун етарли ресурслар ва ваколатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Хансен ва Нилсен (2012) ички аудит умумий корпоратив бошқарув тизимига интеграция қилиниши, ташқи аудит ва рискларни бошқариш каби бошқа функциялар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши керак деган хулосага келиб, фақат шу тарзда компания ўз фаолиятида максимал самарадорликка эришиши ва барча манфаатдор томонларнинг узоқ муддатли фаровонлигини таъминлаши мумкинлигини таъкидлайди.

Ли (2013) илмий изланишининг асосий мазмуни шундан иборатки, “ички аудит стратегик режалаштириш, рискларни бошқариш ва жараён мониторингига асосланган бўлса, янада самарали ва натижавий бўлиши мумкин. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ички аудит самарадорлигини ошириш учун ички аудиторлар ва компания раҳбарияти ўртасидаги алоқа сифатини, шунингдек, ички аудиторларнинг малака ва билимларини ошириш зарур. Шунингдек, янги технологияларни жорий этиш ички аудит самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкинлиги аниқланди”.

Льюис (2014) “корпоратив бошқарувдаги энг яхши ички аудит амалиётларини ўрганган. У ички аудит бўлими раҳбарлари ўртасида ўрганиш ўтказган ва қуйидаги натижаларга эришган:

1. Ички аудит ўз фаолиятида холисликни таъминлаш учун ташкилот ичида мустақил мақомга эга бўлиши керак;
2. Ташкилотнинг мақсадлари ва эҳтиёжларига мос келадиган яхши ишлаб чиқилган ички аудит стратегиясига эга бўлиши муҳимдир;
3. Ички аудит бўлимлари раҳбарлари ўз вазифаларини самарали бажариши учун етарли даражада малака ва билимга эга бўлиши керак;
4. Ички аудит ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборот ва ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак;
5. Ички аудит текширув сифатини таъминлаш учун сифат назорати тизимига эга бўлиши керак;
6. Ички аудит ташкилот ичида мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминлаш учун бошқа рискларни бошқариш функциялари билан алоқага эга бўлиши керак”.

Льюис (2014) тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ички аудитнинг энг яхши амалиётлари мустақиллик, стратегия, ваколатлар, ресурслардан фойдаланиш, сифат


назорати ва бошқа рискларни бошқариш функциялари билан боғланишни ўз ичига олади. Ушбу омиллар ташкилотда ички аудитнинг самарадорлиги таъминлашга ёрдам беради.

Сандерс ва Шорт (2015) ички аудит ва корпоратив бошқарув ўртасидаги муносабатлар бўйича тадқиқот олиб бориб, ички аудит корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва компаниялар учун рискларни камайтиришда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини аниқладилар.

Хусусан, муаллифлар “кучли ички аудитга эга бўлиш бошқарувнинг юқори даражадаги жавобгарлиги, молиявий ҳисоботларнинг яхшиланиши ва ички жараёнларининг самарали нazorати билан боғлиқлигини аниқладилар. Шунингдек, ички аудит тизими ривожланган компанияларнинг обрўси ва инвесторлар учун жозибадорлиги юқори эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, тадқиқотда самарали корпоратив бошқарув ва компанияларнинг муваффақиятли ишлаши учун ички аудитнинг муҳимлиги таъкидланган” (Сандерс, Шорт, 2015).

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олганда ички аудитнинг самарали корпоратив бошқарув тизимида аҳамиятини унинг ташқи аудит, Кузатув кенгаши, юқори ижроия органи билан ўзаро муносабатларида (яъни керакли маълумотга эга бўлиш, уни таҳлил қилиш, ички аудит натижалари бўйича йиғма ҳисоботни Кузатув Кенгашига тақдим қилиш, номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳоказо) кўйидаги расм орқали намоён қиламиз (2-расм). Ушбу расмдан кўришимиз мумкинки, АЖда Аудит қўмитаси ташкил қилинган пайтда ички аудит хизмати фаолияти назоратини мазкур қўмита бажаради.



2-расм. Самарали корпоратив бошқарув тузилмаси

Корпоратив бошқарувнинг самарали фаолият юритишида унинг ташкилий тузилмаси муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан “акциялари фонд

биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир” (Қонун, 2014).

Демак, акциядорлик жамиятларида ички назорат сифатида ички аудит, тафтиш комиссияси, Аудит Қўмитасининг фаолияти, белгиланган мақсад ва вазифалари, жавобгарлик ва бошқа жиҳатлар билан фарқланади.

Адабиётлар/Литература/Referance:

- John R. Mints. (2012) “Corporate Governance” is “Corporate Governance: Principles, Policies, and Practices”. Publisher: Wiley, page 3. 624 pages.
- Jonson J. (2010) “Improving Internal Audit in Corporate Governance: A Case Study”. *Journal of Business Ethics*, 93(1), 85-96.
- Kevin Keasey, Steve Thompson u Mike Wright. (2005) “Corporate Governance: Accountability, Enterprise and International Comparisons” John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England. Copyright C.
- Lyuiss, R. (2014). “Internal Audit Best Practices in Corporate Governance”. *Journal of Corporate Accounting & Finance*, 25(5), 45-53.
- Lee Yu. (2013). “Improving Internal Audit Effectiveness and Efficiency: A Case Study of a Large Corporation”. *International Journal of Business and Management*, 8(11), 24-35.
- Robert A.G. Monks, Nell Minow. (2011) *Corporate Governance, 5th Edition* John Wiley & Sons, ISBN 0470972599, 9780470972595.p.544
- Sanders, M., Short, D. (2015). “Internal Audit and Corporate Governance: A Meta-Analysis”. *Journal of Business Research*, 68(12), 2587-2595.
- Xansen K., Nilsen S. (2012). “The Role of Internal Audit in Corporate Governance: A Literature Review”. *Journal of Business Ethics*, 107(3), 449-472.
- Гуляев К.А. (2008) Оценка качества системы корпоративного управления компании. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 26 с.
- Зайнутдинов Ш.Н., Раҳимова Д.Н. (2007) Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, – Б.48.
- Иванова Е.А. (2012) Развитие корпоративного управления в промышленности России: теория, методология, практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ростов-на-Дону, 53 с.
- Каримов А.А. (2009) Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: БМА, Б.32-33.
- Костикова Л.В., Цангль Н.Е. (2014) Банк России разграничил контрольные функции в кредитной организации “Внутренний контроль в кредитной организации”, N 3-сентябрь.
- Қонун (2014) Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 06.05.2014 й.
- Қонун (2023) Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-814-сон “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонуни” 18.01.2023 й.
- Нуралиев Р.Т. (2023) Роль и значение корпоративного управления в совершенствовании управления государственными активами в Узбекистане. “Экономика и социум” №4(107)-1. Стр. 757-762
- Соколов А.В. (2011) Регулирование деятельности корпораций с участием государства как форма реализации промышленной политики: автореф. дис. ...д.э.н. – СПб., – С. 3.

Суюнов Д.Х. (2006) *Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография.* – Т.: Akademiya, – 116 б.

Фармон (2015) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 - сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.*

Фармон (2017) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.*

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”.*

Хавкин Е.Л. (2012) *Совершенствование корпоративного управления крупной вертикально-интегрированной организацией. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. 25 с.*

Шибает С.Р. (2011) *Влияние акционерных обществ на развитие социально-экономических отношений российское предпринимательство, № 10 (1). -С. 51-54.*

Якимов А.В. (2014) *Корпорации с государственным участием // Инвестиции и инновации в промышленности. № 7. – С. 12*